



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРАҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ



Рўйхатга олинди:

№ 60-5630100
2022 йил "25" 08



"ТАСДИКЛАЙМАН"

СандУ ректори:

Р.И. Халмурадов

2022 йил "25" 08

ЭКОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси600000-Ҳизматлар соҳаси

Таълим соҳаси.....630000-Атроф-мухит муҳофазаси

Таълим йўналиши.....5630100-Экология ва атроф-мухит муҳофазаси
(тармоклар ва соҳалар)

Самарқанд 2022

Фан дастури Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
Ўкув - услугбий кенгашининг 2022 йил "___" ___ № ___-сон
баённомаси билан маъкулланган.

Фан дастури Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида
ишлаб чикилди.

Факултет декани:

доц.А.Х.Равшанов

Кафедра мудири:

проф. Э.Э.Кобилов

Тузувчи:

Маджидова Т. -Шароф Рашидов
номидаги Самарқанд давлат
университети Экология ва ҳаёт
фаолияти хавфсизлиги кафедраси
доценти

Тақризчилар:

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд
давлат университети Экология ва ҳаёт
фаолияти хавфсизлиги кафедраси
профессори З.Иzzатуллаев
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд
давлат университети Экология ва ҳаёт
фаолияти хавфсизлиги кафедраси
доценти Б.Файзуллаев

Фаннинг дастури Самарқанд давлат университети ўкув-услубий
кенгашининг 2022 йил "___" ___ даги "___"-сон мажлис баёни билан
маъкулланган.

Ўкув услугбий кенгаш раиси:

проф.А.С.Солеев

I. Ўқув фанининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

2005 йил 7 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирларлари хамда Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитасининг кўшма қарори билан “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш хамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари” Даствури ва Концепцияси қабул килинди. Шуларга биноан 2010 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган Олий ва ўрта маҳсус таълим хамда Халқ таълими вазирларлари томонидан БМТнинг Баркарор ривожланиш учун таълим дастурига биноан 2011-2012 ўқув йилида олий таълим муассасаларида тегишли бакалаврият йўналишлари бўйича экология, табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза килиш соҳасига оид ўкув-услубий мажмуаларни такомиллаштириш ва амалга жорий этиш вазифаси киритилган.

Экологик таълим ва тарбия XXI аср шахсини шакллантириш жараёнининг ажралмас кисми бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг баркарор ривожланишини таъминлаш ҳозирда таълим олаётган ёшларга боғлик. Баркамол, юксак маданиятли шахсни шакллантиришда экологик таълимни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёсdir. «Экология ўқитиш методикаси» курси талабаларни ушбу фанларнинг умумий ўқитиш масалалари, методлари, усуслари, ўқитиш воситалари, шунингдек ўқув ишларини ташкил этиш, таълим-тарбиянинг узвийлиги, хамда экология ўқитишнинг хусусий методикаси ҳакидаги маълумотлар билан таништиради.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фани ўқитишнинг мақсади – талабаларни фанинг мазмуни, умумий ўқитиш масалалари, методлари, ўқитиш воситалари, шунингдек ўқув ишларини ташкил этиш, таълим-тарбиянинг узвийлиги, хамда ўқитишнинг хусусий методикаси ҳакидаги маълумотлар билан таништириш

Фани ўқитишнинг вазифалари: Мактаб, ўрта маҳсус касб-хунар коллежлари, шунингдек академик лицейларда маълум режа ва дастур асосида экологик билим берадиган атроф муҳит муҳофазаси билан боғлаб дарс ўтадиган, дарсдан ва синфдан ташқари дарс машғулотлари олиб бора оладиган, турли экологик тадбирлар ўтказа оладиган педагогларни тайёрлаш.

«Экология фанларини ўқитиш методикаси» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнida бакалавр ўқитиш методикаси фанининг тарихи ва илмий

асослари; бўлажак педагог сифатида экологик таълим беришнинг метод ва воситалари, таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган янги педагогик технологиялар, ҳамда интерфаол методлари; экологик таълимни ўқитиши амалда қўллай олиш, мустақил билим бериш; ДТСлар асосида яратилган ўкув дастурлари, дарслерлар, ўкув кўлланмалари билан ишлай олиш ва уларни амалий татбик этиш; экология фанларини мактаб, лицей ва ўрта маҳсус касб-хунар муассасаларида ўқитиши ташкил этишининг ўзига хос томонлари билан танишира билиш; ўқитиш усуллари, воситаларини қўллай олиш ҳакида илмий билимлар, амалий ўкув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Республикамиз мустақилликка эришганидан бери экологик муамолар ва уларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалардан энг асосийси таълим тарбия бўлиб, соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Умумий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим экология, биология ва география ўқтувчинини тайёрлашда ўқитиши методикаси ўкув фани нихоятда муҳим ўрин тутади. Ўқувчи ва талабаларга таълим беришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, уларнинг мустақил фикрлаш доирасини кенгайтириш, миллий гурур ва ватанпарварлик гояларини сингдириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, она Ватанга ва айникса она табиатга онгли муносабатда бўлиш, шунингдек, бўлғуси педагогларда методик билим ва кўникмаларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Талабалар “Экология фанларини ўқитиши методикаси” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илфор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслер, ўкув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда гербарийлардан фойдаланилади. Фаннинг ўқитиши турлари дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, лаборатория машғулотлари шаклида олиб борилади. Шунингдек атрофлича билим олишни таъминлаш мақсадида талабаларга мустақил иш мавзулари ҳам берилади. Фанни замонавий педагогик услублар-“Кластер”, “Бумеранг”, “Дебатлар” тарзида ўтиш ҳам кўзда тутилгандир. Маълумотлар кўргазмали ўкув куроллари, мультимедиа, микроскоп, тотал ва кесмали препаратлар ёрдамида олиб борилади. Маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида мос равишдаги илфор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Фан буйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига куйдаги

талаблар күйилади. *Талаба:*

- “Экология фанларини ўқитиш методикаси” фани ва унинг фанлар системасида тутган ўрни, кенглиги, мураккаблиги, хилма-хиллиги ва ўзига хос хусусиятлари билан бошқа соҳалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;
- Экология фанларини ўқитиш методикаси фанининг долзарблиги, экологик конуниятлар асосида тавсифлашни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- Экология фанларини ўқитиш методикаси фани вазифаларидан келиб чиқиб экологик конуниятлар асосида кўникмаларига эга бўлиши керак.

III. Асосий назарий қисем (маъруза машғулотлари)

1-мавзу: Кириш

Экология ўқитиш методикаси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Экология ўқитиш услубиёти-педагогик фан. Экология ўқитиш услубиёти предмети. Фанни ўрганиш обьекти, мақсади ва вазифаси. Экология ўқитиш услубиётининг илмий-тадқиқот методлари. Экология ўқитиш услубиёти бошқа фанлар: биология, экология, педагогика, психология, фалсафа билан боғликлиги. Экология ўқитиш услубиётининг структураси: умумий ва хусусий методикалар.

2-мавзу: Экологик таълим-тарбиянинг мазмуни ва моҳияти

Умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус ва касб-хунар коллежларида экологик таълимнинг ташкилий асослари. Экологик таълим соҳалари. Экологиянинг мазмуни. Экологик таълим-тарбия. Экологик таълим-тарбиянинг узлуксизлиги. Узлуксиз экологик таълим ва тарбиянинг босқичлари. Ўрта умум таълим мактаблари, ўқувчилари учун экологик таълимнинг асосий талаблари. Таълимнинг мақсад ва вазифалари

3-мавзу: Шарқ уйғониш даврида таълим ва тарбия масалалари

VII-XII асрларда Марказий Осиёда илм-фан ва маданиятнинг ривожланиши. Абу наср Фаробийнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари. Абу Райхон Беруний билим олиш ва тарбия ҳақида. Ибн Синонинг тарбияга оид ижтимоий-фалсафий қарашлари.

4-мавзу: Табиатшуносликни ўқитиш методикасининг ривожланиш тарихи

Туркистон жадидчилик харакатида таълим ва тарбиянинг ривожлантирилиши. Машхур педагог олимлар- Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат.

5-мавзу: Табииётшунослик ўқитиш методикасининг дастлабки даври. табиётшуносликни мактабларда ўқитилиши ва унинг методикаси. XX асрда ўқитиш методикасининг холати. Ўзбекистонда экология ўқитиш методикаси.

6-мавзу: Ўқитиш методлари ва уларнинг классификацияси.

Усуллар классификацияси ва уларнинг хилма-хиллиги. Ўқитиш методларининг умумий тавсифи. Оғзаки методлар ва уларнинг шакллари: сухбат, тушунтириш, маъруза, семинар. Ушбу методларни кўллашнинг методик тавсиялари. Кўргазмали, амалий методлар ва уларнинг ўзига хослиги. Кузатиш, тажриба ва экспериментларни ўтказиш методик кўрсатмалар. Интерфаол методлар ҳакида тушунчалар. Мустакил ишлаш методлари.

7-мавзу: Амалий ва лаборатория ишларини уюштириш.

Лаборатория ишларни тайёрлаш ва уюштириш. Ўтказиш методикаси. Амалий ишларни тайёрлашда ўқитувчи томонидан олиб бориладиган ишлари.

8-мавзу: Экология фанларидан синфдан ташқари ишлар. Экскурсиялар.

Ўқувчиларнинг уй вазифалари, уларнинг турлари. Ушбу ишга кўйиладиган талаблар, ҳажми. Уй вазифаларнинг эффективлиги.

Дарсдан ташқари ишлар ва уларнинг ўрни. Дарсдан ташқари ишларнинг хилма-хиллиги: ёзги вазифалар, фенологик кузатиш, кабинет ва тирик табиат бурчагидаги ишлар.

Синфдан ташқари ишлар ва уларнинг шакллари: индивидуал, гурӯхли ва оммавий. Индивидуал ишлар: синфдан ташқари ўқиш, тажриба, кузатиш, реферат тайёрлаш, кўргазмали куроллар тайёрлаш.

Гурӯхли ишлар. Экологик тўгаракнинг ишини йўлга кўйиш. Факультатив дарслар.

Оммавий ишлар: маъруза, экологик саналар, кечалар, анжуманлар, кўргазмалар.

9-мавзу: Экология ўқитишнинг моддий базаси

Экология кабинети. Унинг жиҳозланиши. Кўргазмали қуролларнинг шакллари ва хилма-хиллиги. Асосий ўқитиш воситалари: реал, белги ва вербал. Кўшимча ўқитиш воситалари: ўқитиш техник воситалари, лаборатория жиҳозлари, уларнинг тавсифи. Кўргазмали қуроллар классификацияси ва тавсифи.

Тирик табиат бурчаги ва у ерда ўтказиладиган ишлар. Ўқувчиларнинг фаоллиги. Тирик табиат бурчаги ва тарбия асослари.

Ўкув-тажриба участкаси. Участкада ўтказиладиган ишлар

IV. Амалий, семинар ва лабораториялар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар касбий тайёргарликнинг мухим босқичи ва шунинг учун ҳам уни замон талабига мос равишда ўтказиш зарур. Амалий машғулот талабадан экотуризм бўйича олган назарий билимларини амалий тарзда мустаҳкамлаши, чукурлаштириши ва умумлаштириши ҳамда талабанинг мустақил фикрлаш, воқееликни экологик жиҳатдан тахлил қила олиш талаб килинади, ҳамда қуидаги мавзулар тавсия этилади:

1.Мактаб, лицей, колледжлар учун экология фанлари бўйича йиллик ва тавқимий иш режаларини тузиш.

2.Мактаб, лицей, колледжлар учун экология фанлари бўйича тавсия килинган дарслер, ўкув-услубий кўлланмаларни кўриб чиқиш ва тахлил этиш.

3.Экология предмети обьекти, вазифалари, тарихига оид мавзусини тахлил қилиш.

4.Организм ва муҳит, экологик омиллар таснифи мавзусини тахлил қилиш.

5.Популяциялар экологиясини мавзусини тахлил қилиш.

6.Экосистемалар мавзусини тахлил қилиш.

7.Биосфера ва ноосфера мавзусини кўриб чиқиш.

8.Атмосферанинг экологик функциясини тахлил қилиш.

9.Гидросферанинг экологик функциясини тахлил қилиш.

10.Литосфера экологияси мавзусини тахлил қилиш.

11.Биологик ресурслардан фойдаланиш мавзусини ўрганиш.

12.Барқарор ривожланиш ва узлуксиз таълим ва тарбия мавзусига оид маълумотлар билан ишлаш.

Изоҳ: Фаннинг ишчи дастурини шакллантириш жараённида ўкув режада кўрсатилган соат ҳажмига мос холда мавзулар танлаб ўқитилади.

V. Мустакил таълим ва мустакил ишлар

Мустакил иш учун белгиланган мавзуларни талабалар мустакил равишада кўрсатилган адабиётлар ёрдамида ўзлаштириб жорий, оралиқ назорат шаклида ёки дарсдан ташқари вактда реферат, презентация ёки мулокот тарзида топширадилар.

Талаба мустакил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда, кўйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

Амалий машгулотларга тайёргарлик;

- Дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- Тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Талабанинг ўқув, илмий-тадқикот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- Фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машгулотлари;

Тавсия этилаётган мустакил ишларнинг мавзулари руйхати:

1. Мактаб, лицей, коллежлар ўқув режасидаги экологик таълимнинг ўзига хос томонлари.
2. Экология хонасини ташкил этиш
3. “Ёш экологлар” тўгарагини ташкил этиш масалалари
4. Экологик тарбия масалалари.

Изоҳ: Фаннинг ишчи дастурини шакллантириш жараённида ўқув режада кўрсатилган соат ҳажмига мос ҳолда мавзудан танлаб ўқитилади. Кўшимча ва ўзгатришишлар киритиш мумкин.

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар хамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

- 1.G.V.S.Lakshmi. Methods of teaching environmental science. Discovery Publishing House. USA, 2010.
- 2.Guillermo Foladori. A Methodological Proposal for Environmental Education. Universidad Autonoma de Zacatecas, Mexico. Canadian Journal of Environmental Education, 10, Spring 2005.
- 3.Фофуров А.Т., Толипова Ж., Файзуллаев С.С., Азимов И.Т., Аҳмадалиева Б. Биология ўқитишнинг умумий методикаси. Тошкент, 2005. 1526.

4.Ҳайдарова Ҳ., Баҳодирова З., Якубжонова Ш. Экология ўқитиши методикаси. Тошкент, 2009. 217б.

5.Верзилин Н.М., Корсунская В.М. Биология ўқитишининг умумий методикаси. Тошкент, 1983. 375б.

Кўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
5. 2017-20121 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
- 6.Экологик таълимдан баркарор ривожланиш таълими сари./А.Н.Нигматовнинг умумий таҳрири остида. Тошкент, 2007.
- 7.Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент,2006 й.
- 8.Ж.О.Толипова, А.Т.Гафуров. Биология таълими технологиялари. Тошкент, 2002 й.
- 9.Ж.Толипова, А.Т.Гафуров. Биология ўқитиши методикаси. Методик қўлланма. Академик лицей ва коллежлари учун. Тошкент, 2004 й.
- 10.И.Пономарева ва бошк. Биология ўқитишининг умумий методикаси. Москва, 2003 й.

Интернет сайтлари:

11. www.ziyonet.uz
12. www.natl.uz
13. www.nature.uz
- 14.www.uznature.uz;
- 15.www.eco.uz ;
- 16.www.Lex.uz.